

# Сийрат дарслари (118-дарс). Саҳарликда барака бор



14:00 / 08.01.2021 4189

460. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Саҳарлик қилинглар, саҳарликда албатта барака бордир»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

461. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тун мана бу ёқдан (кунчиқар томондан) кирса, кун мана бу ёққа (кунботар томонга) кетса ва қуёш ботса, демак рўзадорнинг ифтор вақти бўлибди»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

462. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Модомики ифторни тез қилишар экан, кишилар яхшиликда бўлурлар»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

463. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (саҳарлик қилмай) улаб тутишдан қайтардилар. Шунда одамлар: «Сиз улаб тутасиз-ку?» дейишди. **«Мен сизларга ўхшаган эмасман. Мен таомлантириламан ва сероблантириламан»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**